

Ўзбекистон аҳолисининг умумий даромадлари

2026 йил январь-июнь ойлари бўйича дастлабки маълумот

- I. Аҳолининг умумий даромадлари тўғрисида маълумот
- II. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми
- III. Республика ва ҳудудлар кесимида аҳоли умумий даромадлари таркиби
- IV. Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва улуши
- V. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши
- VI. Трансфертлардан олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши
- VII. Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши
- VIII. Аҳолининг умумий даромадлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Аҳолининг умумий даромадлари тўғрисида маълумот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида аҳолининг умумий даромадлари **618,3** трлн сўмни ташкил этди. Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларидан бири – истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати **109,2** % ни ташкил этди.

Аҳолининг умумий даромадлари

2026 йил январь-июнь

	Ҳажми	Номинал ўсиш суръати, % да	Реал ўсиш суръати, % да
Аҳолининг умумий даромадлари, трлн сўм	618,3	116,6	109,2
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, млн сўм	16,1	114,5	107,3

2026 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига умумий даромадлар **16,1** млн сўмни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати **114,5** %ни ва реал ўсиш суръати **107,3** %ни ташкил этди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари ҳажми \(чораклик\)](#)

[Аҳоли жон бошига умумий даромадлари ҳажми \(чораклик\)](#)

[Аҳоли жон бошига умумий даромадлари реал ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)

[Аҳоли умумий даромадлари реал ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)

II. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми

2026 йилнинг январь-июнь ойларида, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳрида (**45 155,2** минг сўм), Навоий (**21 678,1** минг сўм) ва Бухоро (**17 327,8** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Аксинча Сурхондарё (**10 908,6** минг сўм), Наманган (**11 427,8** минг сўм), Сирдарё (**11 442,0** минг сўм) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси (**12 234,7** минг сўм) ҳамда Қашқадарё (**12 546,5** минг сўм), Жиззах (**12 719,3** минг сўм), Фарғона (**12 726,4** минг сўм), Самарқанд (**13 341,3** минг сўм), Андижон (**13 915,0** минг сўм), Хоразм (**14 387,2** минг сўм) ва Тошкент (**15 502,8** минг сўм) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромадлар бўйича ўртача республика даражасидан қуйи кўрсаткичлар қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми

2026 йил январь-июнь

	Ҳажми, минг сўм	Реал ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	16 112,0	107,3
Қорақалпоғистон Республикаси	12 234,7	113,0
Андижон	13 915,0	107,0
Бухоро	17 327,8	104,9
Жиззах	12 719,3	105,4
Қашқадарё	12 546,5	102,3
Навоий	21 678,1	107,0
Наманган	11 427,8	112,6
Самарқанд	13 341,3	104,5
Сурхондарё	10 908,6	101,5
Сирдарё	11 442,0	101,5
Тошкент	15 502,8	105,4
Фарғона	12 726,4	102,8
Хоразм	14 387,2	101,3
Тошкент ш.	45 155,2	114,9


Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиши Тошкент шаҳрида (**14,9 %**), Қорақалпоғистон Республикасида (**13,0 %**) ва Наманган вилоятида (**12,6 %**) кузатилди.

Шу билан бирга Андижон (7,0 %), Навоий (7,0 %), Тошкент (5,4 %), Жиззах (5,4 %), Бухоро (4,9 %), Самарқанд (4,5 %), Фарғона (2,8 %), Қашқадарё (2,3 %), Сирдарё (1,5 %), Сурхондарё (1,5 %) ва Хоразм (1,3 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

III. Республика ва ҳудудлар кесимида аҳоли умумий даромадлари таркиби

2026 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (жами аҳоли умумий даромадларининг 63,1 % и)дан шаклланди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 6,4 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 3,8 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 26,7 %ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби 2026 йил январь-июнь



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида бирламчи даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши](#)


Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлари (ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар)нинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (77,6 %) кузатилди. Аксинча, Бухоро, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Хоразм ҳамда Самарқанд вилоятларида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган

даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмаса-да, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши **18,5 %**ни ташкил этди.

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Самарқанд, Хоразм, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан **30 %**дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад улуши энг паст, яъни **14,3 %**ни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби
2026 йил январь-июнь



- Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар
- Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар
- Трансфертлардан олинган даромадлар

IV. Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва улуши

2026 йилнинг январь-июнь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари **29,3 %**ни ташкил қилди. Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати **124,7 %**ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **6,8 %**га ўсишини таъминлади.

Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва улуши
2026 йил январь-июнь

	Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати, % да	Умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	124,7	29,3
Қорақалпоғистон Республикаси	113,6	24,4
Андижон	123,2	19,6
Бухоро	120,7	20,5
Жиззах	118,4	22,4
Қашқадарё	115,0	17,3
Навоий	120,6	44,8
Наманган	118,6	19,2
Самарқанд	119,4	17,2
Сурхондарё	118,2	19,4
Сирдарё	112,3	28,4
Тошкент	119,0	31,5
Фарғона	112,1	18,7
Хоразм	117,0	19,5
Тошкент ш.	135,4	53,0

**V. Мустақил равишда банд бўлишдан
олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши**

Жорий даврда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **117,1** %ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,7** %га ўсишини таъминлади.

Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида **53,0** %ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **115,7** %ни ташкил этди.

Худди шундай Қашқадарё вилоятида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши **45,9** %ни ва ўсиш суръати **111,3** %ни ташкил этди ҳамда Наманган вилоятида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши **45,0** %ни ва ўсиш суръати **140,3** %ни ташкил этди.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган
даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши**
2026 йил январь-июнь

	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	117,1	33,8
Қорақалпоғистон Республикаси	136,5	40,6
Андижон	120,8	40,6
Бухоро	113,5	41,8
Жиззах	115,7	53,0
Қашқадарё	111,3	45,9
Навоий	112,2	32,8
Наманган	140,3	45,0
Самарқанд	111,6	37,7
Сурхондарё	112,8	41,3
Сирдарё	109,0	37,1
Тошкент	113,3	41,0
Фарғона	115,0	39,3
Хоразм	113,5	36,4
Тошкент ш.	121,8	10,4

**VI. Трансфертлардан олинган даромадларнинг
ўсиш суръати ва улуши**

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2026 йилнинг январь-июнь ойлари маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **109,2 %**ни ташкил этди. Ушбу даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертларнинг улуши **26,7 %**ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг **32,0 %**ни ижтимоий трансфертлардан олинган даромадлар ташкил қилган бўлса, **68,0 %**ни бошқа жорий трансфертлардан олинган даромадлар ташкил қилди.

Ижтимоий трансфертлар таркибида пенсиялар энг кўп улуш – **84,6 %**ни ташкил қилган бўлса, нафақалар **13,8 %**ни, стипендиялар **1,6 %**ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойлари бўйича аҳолининг умумий даромадлари таркибида (бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи) республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг улуши **18,2 %**ни ташкил этди.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши

2026 йил январь-июнь

Самарқанд	26,8 %	Наманган	18,9 %
Хоразм	26,5 %	Қорақалпоғистон Респ.	15,4 %
Андижон	26,3 %	Тошкент ш.	13,7 %
Фарғона	24,6 %	Сирдарё	12,7 %
Сурхондарё	23,3 %	Жиззах	7,9 %
Бухоро	21,7 %	Тошкент	5,5 %
Қашқадарё	20,2 %	Навоий	5,0 %


VII. Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши

2026 йилнинг январь-июнь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши **57,6 %**ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (**68,4 %**), Қашқадарё (**64,0 %**), Наманган (**64,0 %**), Бухоро (**62,8 %**), Самарқанд (**62,0 %**), Фарғона (**61,5 %**), Тошкент (**61,4 %**) ва Андижон (**60,3 %**) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади. Тошкент шаҳри (**46,2 %**) ва Навоий вилоятида (**45,9 %**) эллик фоиздан кам улушни ташкил этди.

Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши

2026 йил январь-июнь



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши \(ҳудудлар бўйича\)](#)

VIII. Аҳолининг умумий даромадлари бўйича ўтлаб тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Аҳолининг умумий даромадлари доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Миллий статистика қўмитаси ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда Жаҳон банки томонидан тавсия этилган методология асосида олинган уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотларидан, бундан ташқари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ, қисмларга ажратиш мақсадида умумий даромад қоидага кўра – “бирламчи даромад” ва “трансфертлардан олинган даромадлар”га бўлинади, бу ўз навбатида бандлик ҳолати ёки ижтимоий таъминот тизимида боғлиқ ҳолда институционал ўзгаришларнинг таъсирини кузатиш имконини беради.

Метамаълумот учун ҳавола:

[Аҳоли умумий даромадлари](#)

[Худудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлари](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Аҳоли турмуш даражаси статистикаси ва
камбағалликни баҳолаш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63-уй
Боғланиш учун: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (12-61)

